


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди
№ 803340100

2018 й. «16» 05

АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИХАЛАШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 300000 – Ишлаб чиқариш-техник соҳа

Таълим соҳаси: 340000 – Архитектура ва қурилиш

Таълим йўналишлари: 5340100 – Архитектура
5341000 – Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий
лойиҳавий ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2018 йил «11» 08 даги билмасам 337 - сонли буйруғининг 10-
илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб хунар таълими йўналишлари
бўйича ўқув услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи
Кенгашининг 2018 йил «26» 08 даги 2 - сонли баённомаси билан
маъқулланган.

Фан дастури Тошкент архитектура қурилиш институтида ишлаб
чиқилди.

Тузувчилар:

Б.И. Иногамов - ТАҚИ, “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси
профессори, арх. ф.н., доцент
Ш.Х. Юнусов - ТАҚИ, “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси
муdiri, арх. ф.н.

Тасдиқчилар:

А.М. Умаров - МЧЖ “AZIZ PROJEKT» бош директори, арх.ф.н,
Салохиддинов Д. - СамДАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси
доценти, арх. ф.н

Фан дастури Тошкент архитектура қурилиш институти Кенгашида кўриб
чиқилган ва тасвир қилинган (2018 йил 26 » 08 даги «7» -
сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ўзбекистондаги сиёсий ва маънавий ривожланиш, жамиятнинг демократлаштириш ислохотлари, ижтимоий ва илмий –техник тараққиёт мамлакатимиздаги архитектура ва қурилиш соҳасидаги, кишлоқ жойлардаги янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй жойлардаги дастурини амалга оширишдаги олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ривожлантиради. Функционал ҳамда янги қурилиш ашёлардан фойдаланган ҳолда архитектуравий лойиҳалаш ва қурилишнинг услублари ривожлана боради. Бу ўз навбатида ёш архитектор мутахассислар тайёрлашда замонвий илм фан, архитектура ва дизайн ютуқларини, янгича технологияларни қўллагани ва ёндошни талаб этади.

Архитектор мутахассислик тайёрлашнинг ўқитиш жараёнида асосий эътибор Архитектура фанининг энг муҳим қисми бўлган Архитектуравий лойиҳалашни ўргатишга қаратилади. Ушбу дастурда архитектуравий лойиҳалашнинг жараёни бошланғич босқичида бажариладиган лойиҳа ишлари, бажарилишини графика йўналишини белгилаб берувчи омил ва воситаларини ўз ичига олади.

“Архитектуравий лойиҳалаш” архитектор мутахассислигини тайёрлашдаги асосий фан бўлиб, умумкасбий фанлар блокига киритилган ва ушбу фан 2-5 курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. “Архитектуравий лойиҳалаш” фани “Архитектура” (турлари бўйича), “Қишлоқ худудларини архитектуравий ташкил этиш” таълим йўналишларида ўқитилади. Мазкур фан бошқа архитектуравий фанларнинг услубий асосини ташкил этади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фани ўқитишдан мақсад – талабаларда архитектуравий лойиҳалаш босқичлари, омиллари, услуби, турлари тўғрисидаги билимни, кўникма ва малакани шакллантириш, умуман қурилиш ва хусусан архитектура билан боғлиқ бўлган лойиҳалаш ва уни амалиётга тадбиқ қилиш, назорат олиб бориш, сермахсул ижодий фаолият олиб бориш, зарур бўлган касбий ва шахсий кўникмаларга эга бўлиш;

Фанининг вазифаси – талабаларга архитектуравий лойиҳалаш жараёнини ўзлаштириш хусусиятларини ўргатишдан, ҳамда архитектуранинг фундаментал асосларини мустақкам ўзлаштириш, тегишли техникавий воситалардан фойдаланиш, архитектура тизимларини шакллантириш, моделлаш, тахлил қилиш, лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлишдир. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар қўйилади. **Талаба**

- Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи қурилиш меъёрлари ва қоидалари;
- архитектуравий лойиҳалашнинг бошланғич босқичлари;
- бино ва иншоотларнинг лойиҳавий функционал, типологик технология тузилиши;

шароит билан таништириш; ўхшаш объектга бориб кўриш, бирламчи ижодий вазифининг бошлангич тахлили, лойиҳа мақсад ва талаби; лойиҳа тахлили нагизасида объектнинг концептуаль схемалари, лойиҳа ғояси синтезини ишлаб чиқиш; ташхит мухит билан боғлиқ яхлит мухитли тузилмани ишлаб чиқиш, лойиҳа моделини ишлаб чиқиш, лойиҳа модели ҳолатини, сифатини мезон асосида баҳолаш, технологик, техник, экологик, шахарозлик, бадий – образли, иктисодий, лойиҳа вариантларини самарадорлик асосида таққослаш; хар бир эскизини аналитик – синтез нуктаи назардан қараш; шакл-шамоил, хажмий-мухитли композиция, объектдаги зарурлик конунияти асосида конструктивлик, мақсадга мувофиқлик ва бадий маънодорлик функционаллик; объектнинг концептуал схемасини қидириш, ғоянинг перспектив йўналишини очиб бериш, лойиҳа мақсадини ечишда системали фикрлаш, лойиҳа моделига таъсир этувчи услубий материалларни ўрганиш, лойиҳа материали намунаси билан таништириш, лойиҳа албомларини кўриш, чет эл ва мамлакат доирасида ишлаб чиқилган архитектуравий лойиҳа тахриба намуналарини ўрганиш; маълумотларни аудиовизуаль техник воситаларда ўқув кинофильми, слайдларни кўрсатиш, архитектуравий лойиҳавий омиллар, ассоциация, шакл ўзгартриш – комбинаторлик; эскиз ғояни биринчи клаузурага тайёрлаш, берилган вазифа бўйича клаузурани ўтказиш, ижодий концептуал фикрларни клаузурада шакллантириш, эскиз – ғоя устида ишлашни тугатиш; эскиздан лойиҳалаш жараёнига ўтиш, лойиҳа объектини ташхит мухит билан боғлаш, асосий ва иккинчи даражадаги функционал хоналарни тартибга солиш, объектнинг ташки ва ички мухит тузилмаларини конструктив фикрларни архитектуравий – нафис шакллар билан боғлаш; конструкцияни модулли яхлит ўлчамга келтириш, ёруғлик режимиини комфорт шароитга келтириш, қулай кўриниш, акустика ва микроклим шароити бўлишини таъминлаш, конструктив эстетик яхлит шаклга келтириш; композицион фикрнинг бадий таъсирчанлигида кўрсатиш, шакл ва нисбат ҳамохангликни намоеъ этиш; лойиҳани қаламда ва график бажариш, лойиҳа тархи, тарзи, қирқимини ва хар бир элементини ҳисоба олиб графикада ижро этиш, лойиҳа ҳолатини эскиз, қаламда ва график бажарилишини берилган вақтда текшириш; график восита лойиҳа мавзусига ва бадий намоеъ этилишига мос бўлиш, ғояни кўрсатиш.

Лойиҳалаш таркиби: қатта бўлмаган ички мухитли жамоат биноси лойиҳаси (кўрғазма павильони, гуллар павильони), кўрғазма павильони биноси мақсади, кўрғазма павильонини жойлашуви, кўрғазма биноларни лойиҳалаш принциплари; гуруҳ хоналарини функционал ўзаро боғлиқлиги, функционал зоналаш, эконатларни ташкиллаштириш принциплари, томошабин ҳаракати графити ва кўрғазма павильонининг технологик талаблари; кўрғазма экспонатларини ёритиш талаблари, интеграл системали ёритиш, павильон архитектурасини ташки ёритиш; кўрғазма залида фойдаландиган конструкциялар ва ашёлар, кенг мухитли конструктив системалар, конструктив тузилмаларни танлаш; кўрғазма павильони композицияси ва бадий қиёфаси, ғоявий-эстетик ечимми, кўрғазма эмблемаси ва монументал ечими;

- архитектуравий композиция ва лойиҳавий тузилмаси;
- мураккаб функционал ечимга эга бўлган биноларнинг архитектуравий ечимлари;
- функция ва шакл, бадий, конструктив тизими
- бино ва иншоотлар архитектуравий лойиҳаларини функционал ечимлари, функция ва шакл, конструктив тизим, қайта тиклаш тўғрисида *масавурага эга бўлиши*;
- архитектуравий лойиҳалашда компьютер графикасини қўллаш;
- турар-жой, жамоат, саннат биноларини лойиҳалаштириш борасида меъёрий маъмурий ҳужжатларни тузиш;
- архитектуравий лойиҳалашда талаб ва таклифлар назариясидан фойдаланиш;
- лойиҳа объектларини техник иктисодий кўрсаткичларини;
- бино ва иншоотларни лойиҳалашда функционал технологик, конструктив боғлиқликни;
- талаба архитектуравий лойиҳалаш услублари талабларини ифодалаш, обидаларни таъмирлаш, лойиҳаларни *билиши ва улардан фойдалани олиши*;
- архитектуравий лойиҳалашда амалдаги меърий ҳужжатларни қўллаш;
- талабалар лойиҳаларини таърифлаш, уларни бажариш ва тузилган лойиҳалар натижасларини химоя қила олиш;
- бино ва иншоотларни архитектуравий лойиҳаларни шакллантириш;
- архитектуравий лойиҳалашдаги технологик жараёнларда илмий ишланмалардан фойдаланиш;
- архитектуравий лойиҳалаш тизимини тузиш;
- архитектуравий ёдгорликларга оид лойиҳаларни тизими бажарай олиш;
- архитектуравий лойиҳаларни мураккаб-функционал погоналашган ечимлар асосида ишлаб чиқиш *қўшимчаларига эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Архитектуравий лойиҳалаш жараёнилари: лойиҳалаш фаолияти маъноси, лойиҳа вазифасини бериш, лойиҳа дастури билан таништириш, гуруҳ хоналари ва асосий элементларга бўлган талабларни шакллантириш, лойиҳа – қидирув ишига таклиф бериш; иллюстрация дастурлари билан таништириш, лойиҳа ҳолати билан таништириш, ШНҚ, ҚМҚ ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, махсус адабиётларни кўрсатиш; лойиҳалаш босқичларини тушунтириш; лойиҳа объектлари хақида янги ғоялар тўғрисида маълумотлари, соҳа архитектурасини илмий ривож, ишлаб чиқариш жараёни хусусияти, замонавий технологик жараён; лойиҳа объекти жойи билан таништириш, агроф мухити, бино ва иншоот қавати, икклимий

каватли турар-жойни куришда ва лойихалашда турар-жой экологик шароити; кўп каватли турар-жой уйларини лойихалашда инсоляция, шовкиндан сақлаш ва хоналарни шамоллаштириш, зина-лифт тугуни ва ёнгина карши тадбирлар, тутун бостирмайдиган зиналар; кўп каватли турар-жой биносининг биринчи каватларига жамоат хизмат кўрсатиш муассасаларини жойлаштириш; лойихалашда блок-секцияли усулни қўллаш, шакл ва нисбат, архитектура ва бошқа замонавий конструкцияларни қўллаш.

Мактабгача таълим муассасалар биноси лойихаси: ўрта таълим мактаби ва ёшлар маркази, мактабгача таълим муассасалар бинолари типологияси, жойлашуви, архитектура – лойихавий ечимлари, гуруҳ хоналарининг ўзаро боғлиқлиги, алохида хоналар (кичик, ўрта ва катта, мактабгача) ўзаро боғлиқлиги, кир ювиш, киритиш хоналари ва уларга талаблар, тиббий хоналар, ошхонани жойлашувига у хоналарни лойихалашга талаблар; Мактабгача таълим муассасалар бинолари композицияси, павильонли, марказий, блокли. Умумий таълим мактабларини лойихалаш: умум мактаб биноси вазифасига кўра классификациялаш, жойлашуви, тайёрлов синфлар, ўрта ва битирув синфлар ва уларни лойихалашга талаблар: мактаб биносини архитектуравий – лойихавий ечими мактаб бинолари хоналарини ўзаро боғлашнинг схемаси, ўқув хоналарини жойлаштиришга устахона, кабинетларини лойихалаш талаблар; мактаб биносини композицион ечими, композицияни функционал вазифасига боғлиқлиги; чизикли, блокли, периметрал композициялар; мактаб участкасини зоналаш, спорт, ўқув – тадriba, дам олиш ва хўжалик зоналари ва уларга талаблар.

Аҳоли пунктлари жамоат марказлари. Кириш сўзи. Лойихалар стадияси тўғрисида маълумот лойихавий инфратузилмаси тизими. Аҳоли пунктлари жамоат марказлари мустақил равишда мавзу бўйича қишлоқ аҳоли пунктларини лойихавий ҳақида тушунча. Аҳоли пунктлари жамоат марказлари турар-жой қурилишини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалик қорхоналари худудларини режалаштириш ва ташкил қилиш ҳақидаги ШНҚ 2.07.04-06 билан танишиб чиқиш. Аҳоли пунктлари жамоат марказлари ташқи худудларини функционал зоналаштириш. Эскиз ғояни клаузурада ифода этиш клаузуранинг тўлиқ чизиш. Клаузуранинг ўтказиш. Шаҳар ва қишлоқлар марказларини тузишда объектларни топши. Аҳоли пунктлари жамоат марказларини жойига чиқиб объектни ўрганиш. Автомобил йўллари КМК 2.05.02-95 билан танишиб чиқиш. Гранспорт ва кўча-йўл тармоғи, ташқи транспорт, кўча-йўл. Кичик қишлоқ аҳоли пунктлари, ўрта, катта, йирик аҳоли пунктлари. Аҳоли пунктлари жамоат марказларини кўпаламзорлаштириш учун ўсимликлар топши. Шаҳар ва қишлоқлар марказида спорт замонавий ҳолати. Шаҳар аҳоли пунктлари жамоат марказлари ва қишлоқлар аҳолисини лойихадаги аҳоли сонини ҳисоблаш.

Мавзу асосида қилинаётган лойиха ишини инфратузилмаси замонавий ҳолати. Аҳоли пунктлари жамоат марказлари бош тархлари қисмлари. Замонавий таклифи. Мухандислик ускуналари замонавий тармоқларини қўллаш. Мухандислик инфратузилмаси (электр энергия, сув таъминоти ва каналлизация, иссиқлик ва газ таъминоти, алоқа, радио эшиттириш ва

Кам каватли ховлили турар жой биноси лойихаси: ячейкали мухитни архитектуравий шакллантириш, турар жой хоналари типологияси, умумий хона, мехмонхона, ётоқхоналар, оиладаги ота-оналар, болалар ёшига кўра ётоқхоналар, ёрдамчи хоналар, кириш қисми, ошхона (столовая), ванна, омборхона ёки хўжалик хоналари; хоналар таркиби ҚМК ва ШНҚда кўрсатилган, яхшилانган ва юқори сифатли бўлиши; санитар-техник ускуналарини ҳисобга олиш, конструктив системани ячейкали мухитга мос равишда қабул қилиш, архитектуравий композицион ечимда бадиийликни, анъанавийликни ифодалаш;

Кичик хажмли санаот биноси лойихаси: энгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасирнинг (ЕАТХКШ) технологик схемаси, ЕАТХКШга оид бўлган меъёрий хужжатлар билан танишиш; ЕАТХКШ классификацияси унинг шахардаги жойлашуви, каватлар сонини белгилаш, технологик схемаси ва каватлар аро ҳаракатланиши, тўсувчи ва кўтариб турувчи конструктив элементларни танлаш; хажмий – лойихавий ечими ва унинг тузилмалари ва ўлчамларини белгилаш, санаот биналарига хос хажмий – лойихавий ечимни аниқлаш; тарх ечимида автомобилларни жойлаштириш услубини белгилаш;

Кўп функционалли жамоат биноси лойихаси: маърифий-маданий марказ (клуб, махалла маркази, 50 ўринли кафе) умумий ҳолати, хоналарни зоналаш – маданий маърифий марказ қисми, тўғрақ хоналар қисми, маъмурий қисм, кутубхона қисми, тамоша зали (маърузалар қисми); архитектуравий композицион ечимини белгилаш, конструктив ечимни бадиий, эстетик ғоя билан узвийликда хал этиш;

Умумий овқатланиш муассасаси: 50 ўринли кафе биноси лойихаси, кафе биносининг асосий гуруҳ хоналари – омборхоналар, ишлаб чиқариш хоналари, савдо хоналари, маъмурий хоналар, техник хоналар; умум овқатланиш муассасасини композицион схемалари, марказий, фронтал, бурчакли; технологик жараёнларни кўрсатиш, озик-овқатларни тайёрлаш, ошхона ва унга ўзаро боғлиқ хоналар тартиби, овқат тайёрлаш ва тарқатиш қисмининг хал қилиш; тарх, тарз ва конструктив тизимни композицион ечим билан биргаликда ечимини топши;

Ўрта каватли турар жой биноси: классификацияси, жойлашуви, ташқи мухитга боғлиқлиги; ўрта каватли турар-жой биналарининг лойихавий элементлари, зина турлар, галерея коридорлар, турар-жойга кириш қисми; хонадонлар, квартиралар ўзаро жойлашуви, конструктив тизим, эстетик ечими, лойихада иқлимий шароитларни ҳисобга олиш, хоналарни шамоллатиш схемаси, инсоляция ва худуд рельефи ҳамда шахарозлик омилларини лойихада ҳисобга олиш; композицион-бадиий хусусиятлари, функционал, конструктив тизимни таъсири, каркасли, деворли ва аралаш (комбинацияли) кўтариб турувчилар, лойихада мухандислик ускуналарни ҳисобга олиш;

Кўп функцияли, ячейкали турар жой биноси: шахарозлик жойлашуви ва лойихалашга оид талаблар, шахарозлик омили ва уни турар-жой биносининг каватлар сонига боғлиқлиги, ижтимоий – демографик шарт-шароит ва унинг кўп каватли турар-жой уйлари шаклланишига таъсири; кўп

телекўрсатув). Аҳоли пунктлари жамоат марказлари майдонларини реконструкцияси. Замонавий ҳолати. Реконструкция қилинаётган аҳоли пунктлари жамоат марказлари мавжуд қурилишларни характеристикаси.

Шаҳар ва қишлоқлар реконструкцияси. Мустақил равишда мавзу бўйича материал танлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 4 декабр 2010 йилги №286 қарори асосида. Худудий-морей-режавий ташкиллаштириш лойиҳасида бош режа лойиҳа схемасини ишлаш ва I навбатдаги қурилишнинг мустақил равишда танишиб чиқиш. Шаҳарозликда режалаштириш ривожлантириш ва шаҳар атрофдаги қурилишлари ва қишлоқ хўжалик худудлари ШНҚ 2.07.01-03 билан талабаларни танишиб чиқиш. Қишлоқ хўжалик қорхоналари худудларини режалаштириш ва ташкил қилиш ҳақидаги ШНҚ 2.07.04-06 билан танишиб чиқиш. Эскиз ғояни клаузурада ифода этиш клаузуранинг тўлиқ чизиш. Клаузуранинг ўтказиш. Шаҳар ва қишлоқлар марказларини тузишда объектларни топиш. Шаҳар ва қишлоқлар марказларини жойига чиқиб объектни ўрганиш. Лойиҳа устида ишлаганда янги компьютер графикаси Auto CAD, 3D Max, Corel Draw дастурларини ўрганиш ва иш давомида ишлаш. Автомобил йўллари КМК 2.05.02-95 билан танишиб чиқиш. Транспорт схемаларини талабаларга тушунтириб ўргатиш. Транспорт схемаларини ўрганиш. Шаҳар ва қишлоқлар марказларини кўкаламзорлаштириш учун ўсимликлар топиш. Шаҳар ва қишлоқлар марказида спорт замонавий ҳолати. Шаҳар ва қишлоқлар аҳолисини лойиҳадаги аҳоли сонини ҳисоблаш. Мавзу асосида қилинаётган лойиҳа ишини инфратузилмаси замонавий ҳолати. Шаҳар ва қишлоқлар бош тархлари қисмлари. Замонавий ҳолати. Шаҳар ва қишлоқлар бош тархлари қисмлари. Лойиҳавий таклифи.

Лойиҳани график усулда бажариш. Материаллар ва кўрсатмалардан фойдаланиш кўрсатиш ва тушунтириш. Шаҳар ва қишлоқларнинг ташқи худудларини функционал зоналаштириш. Реконструкция қилинаётган Шаҳар ва қишлоқлардаги мавжуд қурилишларни характеристикаси. Шаҳар ва қишлоқларни таъмирлашда транспорт инфраструктураси элементларини ва ландшафтни ташкил этишни мукамаллаштириш. Атроф муҳит муҳофаза қилишга доир тадбирлар. Шаҳарозлик экология ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш, Атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ер ости бойлиқлари ва ўсимликларни муҳофаза қилиш. Шовқин, вибрациялар, электрмагнит майдонлар ва радиациядан ҳимоя қилиш.

Шаҳар ва қишлоқлар турар-жой қурилишини ривожлантириш. Рекреацион қарқаснинг шаклини табиий ва сунъий ландшафтнинг ташкил қилиш. Замонавий шаҳар ва қишлоқларнинг таркибий ва функционал ўзгаришида урбанизациянинг таъсири. Шаҳар ва қишлоқлар майдонларини реконструкцияси. Замонавий ҳолати. Лойиҳавий таклифи.

Битирув олди лойиҳаси. Битирув олди лойиҳасининг “Архитектура” йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашдаги ўрни, аҳамияти ва ўзига хослиқлари. Битирув олди лойиҳаси йўналишини танлаш. Вазифа бериш. Лойиҳалашнинг бошланғич қисмини бажариш: диплом ишининг дастлабки қисмини белгилаш. Ғояни аниқлаш, вариант танлаш, лойиҳани бажариш

техникасини (кўлда ёки компьютерда) белгилаш. Эскизлаш чизмалар таркиби ва масштабларини аниқлаш. Топоасозни танлаш ва тайёрлаш, ўрганиш, тахлил қилиш. Информацион материалларни, лойиҳаларни, лойиҳаларни. Мавзу бўйича клаузура эскизини тайёрлаш. Биринчи назорат иши. Клаузура асосида эскиз вариантларини қилиш. Эскиз вариантларни устида ишлаш. Функционал қисмларга бўлиш чизмаси. Объект тархий таркибини шакллантириш. Объект ландшафт таркибини шакллантириш. Объект транспорт тизими устида ишлаш. Фазовий – мақоний композиция устида ишлаш. Композицион - эстетик ечим устида ишлаш. Тархий ва табиий қарқасни шакллантириш. Эскиз вариантларини такомиллаштириш. Эскиз вариантлардан бирини танлаш. Лойиҳанинг асосий қисмини бажариш. Танланган вариантни оққа каламда чизиш. Чизмаларни керакли масштабда планшетада жойлаштириш (компановка қилиш). Чизмаларни (аввал ортогонал проекцияларни, кейин умумий кўринишни) қаламда бажариш. Ҳолат тархини, функционал қисмлар чизмасини, транспорт чизмасини чизиш. Бош тархини каламда чизиш. Оралиқ назорат ўтказиш. Барча чизмаларни бўёқда бажариш: бош тарх, функционал қисмлар чизмаси, транспорт чизмаси, ҳолат тархи. Мавзу йўналиши бўйича бошқа ишларни бажариш: ёзувларни ёзиш, график безашни бажариш. Бош режани график безаш ишларини бажариш. Функционал қисмлар чизмаси, Транспорт чизмаси, ҳолат тархини график безаш.

Амалий машғуллар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Кам қаватли тураржой биноси
2. Кўрғазмалар зали биноси
3. 50-75 ўринли кафе биноси
4. 100-150 ўринли ресторан биноси
5. 300 ўринли автомобилларни сақлаш жойи
6. Енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш биноси
7. Умумий ўрта таълим биноси
8. Боғча ясли (МТМ) биноси
9. Ўрта қаватли турар жой биноси
10. Кўп қаватли турар жой биноси
11. Кам сифтли меҳмонхоналар биноси
12. Ёпиқ сув спорт мажмуалари
13. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маоказлари
14. Маданий маърифий марказ 300 ўринли залли бино
15. Туристик комплекслари
16. Саноат бинолари

IV. Амалий машгулоллар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Талаба мустақил ишни тайёрлашда архитектуравий лойихалаш фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалий архитектуравий лойихалаш жараёнида бажарилган лойиха босқичларни ишларига мос равишда қуйидаги ишлар тавсия этилади.

- Мавзу асосидаги ШНК меъёрий материалларини ўрганиш, ҚМҚ, ШНК талабларин ўрганиш, таҳлил қилиш;
- амалий архитектуравий лойихалаш жараёнида бажарилган лойиха босқичлари ишларига мос равишда бажариш
- Таркатма материаллар ва кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда ижодий фикрлаш ва шунга асосида лойиха учун фойдаланиш;
- Дарслик, архитектуравий журнал ва альбомларда кўрсатилган лойихалардаги лойиха ғояларини ўрганиш;
- замонавий ахборот манбалари орқали дунёнинг етакчи архитектура мактаблари манбаларини ўрганиш, лойиха ғояларини ўрганиш;

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Лойиха мавзуси асосида бажарилаётган амалий лойиха иши босқичларини вариантларини ишлаш.
2. Ячейкали, кенг ва мураккаб муҳитли конструктив тизим схемаларини ўрганиш.
3. Калька ёки А4, А3 форматда бажарилган лойиха ишлари бажариш ва тузиш
4. клазуранга бажаришда график воситалардан – акварель, уғаш, рангли қаламлардан фойдаланишни ўрганиш.
5. Лойиха мавзусида технологик жараёнларни ўрганиш.
6. Турар жой ва жамоат биноларини лойихалаш, ғояларни устида ишлаш, саноат биноларини устида ишлаш
7. Лойиха мавзусига кўра бадий композицион ечимларини ўрганиш

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Технологик амалиёти ўқув жараёнини ишлаб чиқариш шароитларида табиий давом эттириш ҳисобланади ва ўқув жараёнида олган назарий-амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадига эгадир. Амалиёт даврида талаба курувчи-ишчининг касбий кўникмаларини эгаллайди, қурилиш

технологияси, унинг ички ва ташқи ташкилий тузилмаси, шунингдек, замонавий қурилиш техникаси, янги қурилиш ва пардозлаш материаллари билан танишади. Амалиёт вақтида талаба қурилиш ишчиси малакасини эгаллайди, илгор индустриал ва қурилиш ишларини бажаришнинг мажмуавий-механизациялашган усуллар билан танишади. Қурилаётган бино ва иншоотнинг лойиха альбомлари қисмлари билиши зарур. Шу билан бирга шаҳарнинг архитектуравий янги қурилиш объектлари билан танишиш вазифаси ҳам бажарилади.

Лойиха амалиёт ўқув жараёнининг табиий қисми ҳисобланади ва талабаларни муаллифлик ижодий гуруҳида замонавий реал архитектуравий лойихалаштириш амалиёти билан яқиндан таништириш мақсадига эга бўлиб, бу курснинг охири йилида танланган мавзу орқали бажарилган архитектуравий лойихаларни назарий-амалий билимларни текшириб кўриш ва уларни мустаҳкамлаш имконини беради.

Лойихавий амалиётни ўташ даврида талабалар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- гуруҳ раҳбари томонидан юқори малакали назоратнинг амалга оширилиши остида қисқа белгиланган муддатларда етакчи раҳбарлар етакчилиги остида лойихалаштириш ишларини юқори сифатда бажариш амалиётига эга бўлиш;

- қондага кўра, объектнинг ишчи чизмаларини, шунингдек, бош режа, қирқимларнинг, қаватлар режаларининг, фрагментлар ва деталларнинг, интерьерлар, ўзига хосликлар ва экспликацияларнинг чизмаларини чизиш бўйича амалий архитектуравий лойихалашдаги, техник-иктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқаришдаги кўникмаларни эгаллаш;

- комплекс лойихалашнинг барча қисмлари бўйича турдош муҳандислик мутахассисликлари ҳамкорлигидаги ижодий жамоада ишлаш тажрибасини орттириш;

- архитектуравий-дизайнерлик лойихалаштириш, конкрет ҳудудларда архитектуравий объектларни композицион қуриш ва шаклларни ҳосил қилиш

соҳасида етакчи миллий ва хорижий бюролар-устахоналарнинг тажрибаси билан танишиш, шунингдек интернет материалларидан фойдаланиш;
- диплом олди лойиҳаси мавзусини аниқлаб олиш ва миллий ҳамда хорижий шаҳарсозлик тажрибалари намунасида дастлабки ижодий материалларни танлаб олишни амалга ошириш.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Annette Gigon. Apartment Buildings new concepts., The stainless steel Cat 2005y. 360p.
2. Quentin Pickard. The Architects Handbook. Blackwell Publish.: London., 2002 y, 454 p.
3. Убайдуллаев Х.М., Инагамова М.М. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари. Дарслик. - Тошкент.: Ворис", 2009. - 300 бет.
4. Убайдуллаев Х.М., Хидоятлов Т.А., Абдурахманов Й.И., Г.И.Коробовцев, Мансуров Я.М. Архитектуравий лойиҳалаш. Ўқув қўлланма. - Тошкент.: "Архитектура инновацион маркази", 2012. - 180бет.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қондаси бўлиши керак.Т.,Ўзбекистон". 2017й. 102бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарофи.Т."Ўзбекистон".2016й.47 бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажатимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Т."Ўзбекистон". 2016й. 486бет
4. Миракаев Р.Ю., Юсупов Р.Д., Убайдуллаев Х.М., Шайданова Л.Р. "Пространственные конструкции покрытий зданий и сооружений" (учебное пособие) ТАҚИ, Т. 2006 г.
5. Нойферт.П., «Строительная проектирование», Справочник, М., «Архитектура-С», 2010 г.
6. Нойферт.П., «Проектирование и строительство», Справочник, М., «Архитектура-С», 2005
7. Annette Gigon. Apartment Buildings new concepts., The stainless steel Cat 2005y. 360p.
8. Simone K Schleifer. Architectures de demain projets futurists.: Editions place des victoires. 2011y. 600p
9. Gunter Pfeifer and Per Brauneck. Residential Buildings A typology Basel.: 2015y. 151p.
10. Philip Jodidio. Descubrir la Arquitectura. Lunweg editors.: 2013y. 260p

11. Zaha Hadid. The Complete Buildings and projects. Essay by Aaron Betsky with 448 Illustration, 328 in colour/ Thames and Hudson.

12. Иногатов Б.И. Замоновий бино ва иншоотларни лойиҳалаш.

Ўқув қўлланма. - Тошкент.: "Архитектура инновацион маркази", 2010. - 187 бет

13. С.А.Қодирова. Жамоат биноларини лойиҳалаш. Ўқув қўлланма.

- Тошкент.: "Архитектура инновацион маркази", 2015. - 140 бет

14. М.Т. Абдужабборов. Турар жой биноларини лойиҳалаш. Ўқув қўлланма.

- Тошкент.: "Архитектура инновацион маркази", 2015. - 154 бет

Интернет сайтлари:

1. www.a-len.ru
2. www.stroyka.uz
3. www.proekts.ru
4. www.5ballow.qip.ru
5. www.bestreferat.ru
6. www.archrecord.construction.com
7. www.greensource.construction.com
8. Google [http:// www. google.com/](http://www.google.com/).
9. Alta Vista <http:// www. altavista. com/>
10. www.lex.uz